

Фикҳ дарслари (148-дарс) Азон вақт кирганини билдириш учун айтилади



17:00 / 05.08.2021 3620

هَلْ لِي صَبِيٍّ لِّلْأَيْتَانِ؟ لَقَدْ نَعَىٰ هَلْ لِي صَبِيٍّ شَرِيٍّ وَخُلِّ لِي بِنَبِيٍّ كَلَامٍ نَعَىٰ
إِذَا: «أَنْ لَّ لِقَاءِ هَذَا نَمَلٍ أَفْقِإِ لِي أَنْ دَرَأَ أَمَلٍ فِي لُبِّ حِصَاوَةٍ وَأَنْ أَمَلٍ سَوِيٍّ
عَثَلٌ لِّثَلَاثَةِ أَوْرٍ». «أَمْ كُنْتُمْ كُنْتُمْ مُؤَيَّلِينَ وَ أَمْ يَرَايَ خُكْلٌ لِّ نَدْوَيْ لِي»: دَوَادِ يَبْأَلِ وَ

Молик ибн ал-Хувайрис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир оғайним билан бордик. Ул зотнинг ҳузурларидан туриб, жўнамоқчи бўлганимизда бизга:

«Намоз вақти кирса, азон айтинглар, сўнгра иқома айтинглар, иккингиздан каттангиз имом бўлсин», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Абу Довуднинг ривоятида:

«Яхшиларингиз азон айтсин, аҳли Қуръонларингиз имом бўлсин», дейилган.

Икки ийд, витр, жаноза, таровех, кусуф, хусуф ва суннат намозларга азон айтилмайди.

مجلسو هيلع هللا ىلص هللا لؤسرع م تىلص :لاق ةرمس نب رباج نع
م لسم هاور ةم اقا ال و نادا رىغ ب نى ترم ال و ةرم رىغ نى دىل ل

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир ва икки мартадан кўп икки ийд намозини ўқидим. Азон ва иқомасиз».

Имом Муслим ривоят қилган.

لؤسرع ذوع ىل ع ت ف س ح س م ش ل ا ن ا : ا ه ن ع ه ل ل ا ي ص ر ة ش ئ ا ع ن ع
م ل س م ه ا و ر ة م ا ج ة ا ل ص ل ا : ا ي د ا ن م ت ع ب ف م ل س و ه ل ل ع ه ل ل ا ى ل ص ه ل ل ا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тутилди. Бир одамни юбориб, «Жамоат намозига!» деб жар чақиртирдилар».

Имом Муслим ривоят қилган.

Агар азон вақтидан олдин айтилган бўлса, қайта айтилади.

Намознинг вақти кирмай туриб азон айтиш ҳаромдир, чунки азон вақт кирганини билдириш учун айтилади. Вақтидан олдин айтилган азон эса алдамчилик ва жаҳолатдир. Шунинг учун азон вақтидан олдин айтилса, вақт киргандан кейин қайтадан айтилади.

Уни шошилмасдан, дона-дона қилиб, қиблага қараган ҳолда, икки бармоғини қулоқларининг ичига киритиб олиб айтади.

لاق مجلسو هيلع هللا ىلص هللا لؤسرع ن ا : ا ه ن ع ه ل ل ا ي ص ر ة ش ر رباج نع
ل ع ج ا و ر ذ ح ا ف ت م ق ا ا ذ و ل ك ن ا ذ ا ي ف ل س ر ت ف ت ن ذ ا ا ذ ا ل ا ل ب ا ي : ل ا ل ب ل
و ب ر ش ن م ب ر ا ش ل ا و ل ك ا ن م ل ك ا ل ا غ ر ف ي ا م ر ذ ق ك ت م ا ق ا و ل ك ن ا ذ ا ن ي ب
ي ذ م ر ت ل ا ه ا و ر . « و ت ج ا ح ا ء ا ص ق ل ل ح د ا ذ ا ر ص ت ع م ل ا و

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билолга:

«Эй Билол, қачон азон айтсанг, азонингни шошилмай, чўзиб айт. Қачон иқома айтсанг, тезлаб айт. Азонинг билан иқоманг орасида таом еувчи

таомидан, шароб ичувчи шаробидан, қистаниб қолган қазои ҳожатдан
фориғ бўлгунча вақт қўй», деганлар».

Термизий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча муаззинлари қиблага
қараб азон айтганлар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди